

«04» 08 2021 N 14.

ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА СПАЗИН

Препаратнинг савдо номи: Спазин

Таъсир этувчи модда (ХПН): дротаверин (дротаверин гидрохлориди шаклида)

Дори шакли: инъекция учун эритма

Таркиби:

1 ампула қуидагиларни сақлади:

фаол модда: дротаверин гидрохлориди – 40 мг

ёрдамчи моддалар: натрий метабисульфити, 96% ли этил спирти, инъекция учун сув 2 мл гача

Таърифи: оч-сариқ рангли яшил тусли тиниқ суюқлик

Фармакотерапевтик гуруҳи. спазмолитик восита

АТХ коди: A03AD02

Фармакологик хусусиятлари.

Миотроп спазмолитикдир. Кимёвий тузилиши ва фармакологик хусусиятлари бўйича папаверинг яқин, аммо кучлироқ ва давомли таъсирга эга. Силлиқ мушак хужайраларига кальций ионларини келиб тушишини сусайтиради (фосфодиэстеразани ингибиция қилади, бу хужайра ичida цАМФнинг йигилишига олиб келади). Ички аъзоларнинг силлиқ мушакларини ва ичак перисталтикасини сусайтиради ва қон томирларини кенгайтиради. Вегетатив нерв тизими ва марказий нерв тизимига таъсир кўрсатмайди.

Фармакокинетикаси

Парентерал мушак ичига юборилганда дротавериннинг қон плазмасидан ярим чиқарилиш даври ($T_{1/2}$) – 10 - 12 соатни ташкил этади, модданинг амалда тўлиқ элиминацияси 72 соат давомида аниқланади. Марказий нерв тизими, ёғ тўқимаси, миокард, буйрак ва ўпкада юқори концентрацияларда, энг паст концентрациялари жигарда ва меъдада тўпланади. Плазма оқсиллари билан боғланиши – 95 – 98% ни ташкил этади. Сийдикда ва сафро орқали эса глукурон кислотаси билан конъюгат кўринишида (89 -99%), оз қисми сульфат конъюгатлар шаклида чиқарилади. Парентал юборилганда препаратнинг таъсири 2-4 минутдан кейин намоён қилади. Максимал самара 30 минутдан кейин бошланади.

Қўлланилиши

Сурункали гастродуоденит, сурункали холецистит, сурункали холелитиазда, постхолецистэктомия синдромида, меъда ва 12 бармоқ ичак яра касаллигига, кардио ва пилороспазмда, спастик колитдаги силлиқ мушакларни спазми: периферик артериал қон томирлар спазмida, бош мия томирларини спазмida, буйрак санчиғида, альгодисменорея, туғруқларда қисқарган бачадонни кучсизланишида ва бачадон бўйнининг спазмини бартараф этиш учун ҳамда инструментал текширишларни ўтказишда қўлланади.

Қўллаш усули ва дозалари

Катталарда мушак ичига (м/и) ва вена ичига (в/и) қўлланади. Одатда м/и юборилганда суткалик доза 1-3 марта 40-240 мг (2-12 мл) ни ташкил қилади. Жигар ёки буйрак санчиқларида препаратнинг 2-4 мл (40-80 мг) ни в/и секин юбориш тавсия этилади.

Физиологик туғруқларда бачадоннинг бўйини очилиш фазасини қисқартириш учун тортиб олиш даврининг бошида – м/и 40 мг юборилади. Агар бу доза самарасиз бўлса, 2 соатдан кейин яна 40мг препарат юборилади.

Ножўя таъсиrlари

Бош айланиши, юрак уриши, артериал босимни пасайиши, қизиб кетиш ҳисси, кўп терининг, тери аллергик реакциялари. в/и юборилганда – коллапс, AV-блокада, аритмиялар, нафас марказини сусайиши.

Кўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

Препарат компонентларига юқори индивидуал сезувчанлик, яққол жигар, буйрак, юрак етишмовчилиги, II – III даражадаги AV блокада, кардиоген шок, артериал гипотензияда кўллаш мумкин эмас.

Эҳтиёткорлик билан коронар артерияларнинг оғир атеросклерози, простата безининг гиперплазияси, глаукома, хомиладорлик ва лактация даврида, б ёшгача бўлган болаларда эҳтиёткорлик билан кўллаш лозим.

Дориларнинг ўзаро таъсири

Бошқа спазмолитикларнинг самарасини кучайтиради, трициклик антидепресантлар, хинидин, новокаинамиднинг таъсири оқибатидаги артериал гипотензияни кучайтиради. Морфиннинг спазмоген фаоллигини ва леводопанинг паркинсонизмга қарши таъсирини камайтиради. Фенобарбитал спазмни ишончли бартараф этиш имконини оширади.

Махсус кўрсатмалар

Парентал юборилгандан (айниқса в/и) кейин автотранспортни бошқариш ёки бошқа механизмлар билан ишлашдан 1 соат мобайнида сақланиш лозим, в/и юборилганида бемор горизонтал ҳолатда бўлиши керак.

Дозани ошириб юборилиши

Симптомлар: AV блокада, юракни тўхтаб қолиши, нафас марказининг фалажи.

Даволаши: симптоматик.

Чиқарилиш шакли

40 мг/2 мл инъекция учун эритма ампулаларда

Сақлаш шароити.

Ёруғликдан химояланган жойда, 25°C дан юқори бўлмаган ҳароратида сақлансин

Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

Яроқлилик муддати

2 йил.

Яроқлилик муддати ўтгач кўлланилмасин.

Дорихоналардан бериш тартиби

Рецепт бўйича.

Ишлаб чиқарувчи:

МЧЖ "UZGERMED PHARM" ҚҚ

Ўзбекистон Республикаси худудида дори воситаларининг сифати бўйича эътиrozлар (таклифлар) ни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили:

МЧЖ "UZGERMED PHARM" ҚҚ,

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вил., Юқори-чирчик тумани, Барданқўл посёлкаси.

Тел.: (99895) 515-33-22, факс: (8370) 983-62-62.

Электрон манзили: info@ugp.uz, веб-сайт: www.ugp.uz